

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Тупроккаля тумани.

« 31 » май 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тупроккаля тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи Р.Йулдошев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Тупроккала ТИФУК” номидан Устав асосида иш юритувчи Д.Ниязметов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.09.2021 йилдаги ““Очик Бюджет” Ахборот Портали Орқали Жамоатчилик Фикри Асосида Шақланган Тадбирларни Молиялаштиришни Янада Кенгайтириш Чора-Тадбирлари Тўғрисида”ги қарорига асосан “Хоразм вилояти Тупроккаля тумани Саидлар ва Янгизамин маҳалласини боғловчи Янги Ўзбекистон кўчаси ички ҳўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,987км)” объекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади ва ишлаш учун шароит яратиб берилади.

- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай тиздаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Хоразм вилояти Тупроккаля тумани Саидлар ва Янгизамин маҳалласини боғловчи Янги Ўзбекистон кўчаси ички ҳўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,987км)” объекти кўзда тутилган лойиҳа бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган, электрон танлов натижасида аниқланган (2022 йил “26” майдаги № 23602-сон) баён билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ҚКС билан бирга пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 920 325 135 (тўққиз юз йигирма миллион уч юз йигирма беш минг бир юз ўттиз беш) сўмни ташкил этади. Шундан 920 325 135 сўм маблаг 2022 йил дастурга асосан молиялаштирилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегиншли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофиқ ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омонга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сўғурга қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Объектга тегишли лойиҳа смета ҳужжатларини ўз вақтида тақдим қилади. лойиҳа смета ҳужжатлари бўлмаган ҳолда ўзаро келишиб далолатнома асосида ишлар бошланишига розилик беради. Бажарилган ишларни умумий ёки иш ҳажмларини кетма-кетлик билан қабул қилишга розилик беради.

- уч кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумот ҳисоб-варақ фактура» ни кўриб чиқади ва уни расмийлаштиради.

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиш одишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини уч кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;



- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. Пудратчи томонидан йўл кўйилган камчиликларни бир иш кунидан ошмаган ҳолда жойида огоҳлантириб камчилик бартараф қилинади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

11. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

12. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР.

13. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

14. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоиз миқдоридан аванс ўтказилади

15. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ўшлаб қолган ҳолда молиялаштириш \_\_\_ иш кунини ичида амалга оширади.

16. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

17. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот оянинг охиригача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

18. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

Буюртмачи объектдаги, пудратчи иш ҳажмларини топширувунга қадар қурилиш материалларини кўриклашни ўз зиммасида қолдиради.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугаллашнинг узин-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАР

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

25. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийинлиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

26. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

27. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

## XI. КАФОЛАТЛАР.

28. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мажбур нўқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.



## ХII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

32. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

33. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга etkazилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

34. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар буздан мустасно.

## ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

35. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга etkazилган зарарларни қоплайди.

36. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги холларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда маблағсиз Пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр холда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

37. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги холларда мулкый жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларининг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди.

38. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорига жарима тўлайди.

39. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

40. Томонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

41. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

## ХIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

42. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек etkazилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга муурожаат қилишлари мумкин.

## ХV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

43. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

44. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

45. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

46. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

48. Мазкур шартноманинг жорий нарҳлардаги келишилган суммаси меъерий-конун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.



49. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.  
 50. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиши муддати 2022 йил 31 декабргача  
 51. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

**XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

**БУЮРТМАЧИ:**

**ПУДРАТЧИ:**

|   |  |
|---|--|
| <b>Тупроққалъқ тумани Ободонлаштириш бошқармаси</b>                                   | <b>“Тупроққала ТЙФУК”</b>                                    |
| <b>Манзили: Тупроққалъа тумани Саховат маҳалласи</b>                                  | <b>Манзили: Тупроққала тумани Соримой кишлоғи</b>            |
| <b>ШХР 401722860332217065200110003</b>  | <b>Тел/факс: 97-514-14-70; 91-434-50-80</b>                  |
| <b>ИНН 307302536</b>  | <b>х/р: 22626000505211143001</b>                             |
| <b>ОКЭД 90290</b>   | <b>ИНН: 307319134</b>  |
| <b>Молия вазирлиги Ғазначилиги<br/>Х/р . 23402000300100001010<br/>ИНН 201 122 919</b> | <b>ИФУТ: 42110</b>   |
| <b>МФО 00860 Тошкент шаҳар Марказий банк</b>  | <b>Банк: ТИФ Миллий банк Ҳазорасп филиали<br/>МФО: 00860</b> |

**Бошлиқ :**



**Р.Иулдошев**  
(Ф.И.О.)

**Бошлиқ:**



**Д.Ниязметов**  
(Ф.И.О.)

"Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Саидлар ва Янгизамин маҳалласини боғловчи Янги Ўзбекистон кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,987км)" объекти бўйича

ишларни бажариш ЖАДВАЛИ

(минг.сумда)

| № | Ишлар тури ва номи    | Хажм бирлиги киймати | 2022 йил |         |      |          |            |             |            |        |          |          |        |         |  |
|---|-----------------------|----------------------|----------|---------|------|----------|------------|-------------|------------|--------|----------|----------|--------|---------|--|
|   |                       |                      | I-чорак  |         |      | II-чорак |            |             | III-чорак  |        |          | IV-чорак |        |         |  |
|   |                       |                      | январь   | февраль | март | апрель   | май        | июнь        | июль       | август | сентябрь | октябрь  | ноябрь | декабрь |  |
| 1 | 2                     | 3                    | 4        | 5       | 6    | 7        | 8          | 9           | 10         | 11     | 12       | 13       | 14     | 15      |  |
| 2 | Курилиш-монтаж ишлари | 920 325,135          |          |         |      |          | 55 325,135 | 785 000,000 | 80 000,000 |        |          |          |        |         |  |

Буюртмачи:

Тупроққалъа тумани Ободлаштириш бошқармаси бошлиги



Пудратчи:



Д.Ниязметов



“Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Саидлар ва Янгизамин маҳалласини боғловчи Янги Ўзбекистон кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,987км)” объекти буйича

молиялаштириш ЖАДВАЛИ

(минг. сум)

| № | Ишлар тури ва номи    | Ҳажм бирлиги қиймати | 2022 йил |         |      |          |             |             |            |        |          |          |        |         |  |
|---|-----------------------|----------------------|----------|---------|------|----------|-------------|-------------|------------|--------|----------|----------|--------|---------|--|
|   |                       |                      | I-чорак  |         |      | II-чорак |             |             | III-чорак  |        |          | IV-чорак |        |         |  |
|   |                       |                      | январь   | февраль | март | апрель   | май         | июнь        | июль       | август | сентябрь | октябрь  | ноябрь | декабрь |  |
| 1 | 2                     | 3                    | 4        | 5       | 6    | 7        | 8           | 9           | 10         | 11     | 12       | 13       | 14     | 15      |  |
| 2 | Курилиш-монтаж ишлари | 920 325,135          |          |         |      |          | 280 325,135 | 584 000,000 | 56 000,000 |        |          |          |        |         |  |

Буюртмачи:

Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи



Пудратчи:

“Тупроққалъа ИФУК” бошқармаси

Д.Ниязметов



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.

«Buyurtmachi» deb nomlanuvchi “Tuproqqal’a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi direktor R.Yo’ldoshev bir tomondan, keyingi o‘rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan “Tuproqqala TYFUK” nomidan Ustav asosida ish yurituvchi D.Niyazmetov ikkinchi tomondan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.09.2021 yildagi ““Ochiq Byudjet” Axborot Portali Orqali Jamoatchilik Fikri Asosida Shakllangan Tadbirlarni Moliyalashtirishni Yanada Kengaytirish Chora-Tadbirlari To’g’risida”gi qaroriga asosan “Xorazm viloyati Tuproqqal’a tumani Saidlar va Yangizamin mahallasini bog‘lovchi Yangi O‘zbekiston ko‘chasi ichki xo‘jalik yo‘lini joriy ta‘mirlash (0,987km)” ob’ektni ko‘zda tutilgan loyiha bo‘yicha joriy ta‘mirlash ishlarini bajarish maqsadida elektron tanlov natijasida aniqlangan (2022 yil “26” maydagi № 23602-son) bayon bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig‘imlar, ajratmalar va QQS bilan birga pudratchining boshqa xarajatlarini o‘z ichiga olgan holda joriy narxlarda 920 325 135 (to‘qqiz yuz yigirma million uch yuz yigirma besh ming bir yuz o‘ttiz besh) so‘mlik ushbu shartnoma tuzilgan.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

Tuproqqal’a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tamonidan 2022 yil 30 may kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 30 may kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tuproqqal’a tumani yuridik  
xizmat ko’rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**T.O’razbayev**

2022 yil 31 may